5 декабрь – «Бутунжаҳон тупроқ куни»

Халқаро тупроқшунослар жамияти президенти,
профессор Лаура Берта Рейес Санчеснинг 5 декабрь – Бутунжаҳон тупроқ куни ҳамда
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг
100 йиллигига бағишланган халқаро форумдаги табрик сўзи

Ҳурматли Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори профессор Бобомуродов, Ўзбекистон Тупроқшунослик жамияти бўлими президенти, ҳурматли доктор Лазиза Ғофурова, асосий маърузачилар, хонимлар ва жаноблар!

Халқаро тупроқшунослар иттифоқи (IUSS) президенти сифатида мен 5 декабрь – Бутунжаҳон тупроқ куни ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг 100 йиллигини нишонлашга бағишланган ушбу халқаро илмий-амалий семинарни барчангиз билан баҳам кўриш имкониятига эга бўлганимдан жуда мамнунман.



2002-йилдан бошлаб, яъни Халқаро тупроқшунослар иттифоқининг Таиландда бўлиб ўтган 17-Бутунжаҳон тупроқшунослик конгрессида 5 декабрни «Бутунжаҳон тупроқ куни» деб эълон қилганидан буён Халқаро тупроқшунослар иттифоқи учун бешинчи декабрь - энг муҳим байрамларидан бири бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда тупроқнинг тармоқлараро табиий ресурс сифатидаги билимлари чуқурроқ эканлигини тан олиш зарур. Аммо бутун дунё бўйлаб унумдор тупроқни йўқотиш муаммоси ҳам жуда катта муаммолардан биридир. Шундай экан, инсоният учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодир бўлган барча тупроқлардан унумли фойдаланиш учун уларни ўрганиш ва тадқиқ этиш бизнинг устувор вазифамиз бўлиши керак. Шу боис Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтини юз йиллик юбилейи билан табриклайман ҳамда тупроқларда содир бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида тадқиқ этиш, баҳолаш, салбий жараёнларнинг таъсирини олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқлари сифатини мониторинг қилиш, шунингдек, ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдираман.

Шу билан бирга, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтини шўрланган тупроқларни ўрганиш ва уларнинг унумдорлигини ошириш борасида олиб бораётган тадқиқотлари билан табриклайман. Шунингдек, Ўзбекистондаги барча тупроқшунос олимларни шўрланган тупроқлар муаммосини жаҳон кун тартибига қўйгани ҳамда ФАО «Глобал Тупроқ Ҳамкорлиги»ни дунё озиқ-овқат хавфсизлиги учун муҳим бўлган ушбу муаммо ечими билан шуғуллана бошлаганлиги билан табриклайман.

Халқаро тупроқшунослар иттифоқи номидан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ва ФАО «Глобал Тупроқ Ҳамкорлиги» ташкилотини шўрланган тупроқлар унумдорлигини ошириш бўйича барча саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайман. Шунингдек, Ўзбекистон Тупроқшунослар жамияти ва тупроқшунос олимлари билан тупроқлар барқарорлигига эришиш йўналишида ҳамкорлик қилишдан мамнунман. Шу сабабли, барчани «Бутунжаҳон тупроқ куни» билан самимий муборакбод этаман. Вақтингиз ва эътиборингиз учун раҳмат.